

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ  
ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**



*Тошбоева Саидахон Раҳмонбердиевна,*

*Фарғона давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уни такомиллаштириш ва ислоҳ қилишни талаб қиладиган касбий, шахсий сифатларини аниқлашда малакавий амалиётнинг назарий ва амалий томонлари ҳақида фикр юритилган.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются теоретические и практические аспекты профессиональной деятельности по определению профессиональных и личностных качеств будущих учителей начальных классов, требующих развития, совершенствования и реформирования их творческих способности

**Abstract:** This article discusses the theoretical and practical aspects of professional practice in determining the professional and personal qualities of future primary school teachers that require development, improvement and reform of their creative abilities.

Бугунги кунда бўлажак мутахассисларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашувчи шароитларни яратиш уларни ижодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Кўпчилик тадқиқотчилар ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга катта аҳамият берадилар. Масалан, Н.Г.Алексеев ва Э.Г.Юдин каби олимлар “энг қобилиятли, мустақил ижодий фаолиятга мойилликлари мавжуд” талабаларни аниқлашнинг, “уларнинг ўзларини максимал даражада намоён қила олишлари учун шароит яратиш ва бунга туртки бериш” зарурлиги ҳақида фикр юритадилар<sup>1</sup>.

С.И.Архангельский, Д.Н.Богоявленский, Н.А.Менчинская каби олимлар бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда илмий-тадқиқот йўналишини кўламини оширишни таклиф қиладилар<sup>2</sup>.

Иш берувчининг бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашга қўядиган талабларини ўрганиб, олима Г.И.Батурина талаблар орасида биринчи ўринни ижодий салоҳият, ишга нисбатан мослашувчан ёндашув, ўрганишга бўлган лаёқат (83 %) эгаллади, деб қайд этади<sup>3</sup>.

В.А.Сластёнин учун ўқитувчининг инновацион фаолиятида индивидуал-ижодий ёндашув педагогнинг ўзини ижодий шахс сифатида англаши, уни такомиллаштириш ва ислоҳ қилишни талаб қиладиган касбий шахсий сифатларини аниқлашни назарда тутди. Ўзини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж новатор ўқитувчининг асосий сифати саналади. Шунинг учун ОТМдаги касбга тайёрлаш тизими ўзини тарбиялаш ва ижод қилишга қодир бўлажак новатор-ўқитувчини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Касбий таълимнинг бир қисми сифатидаги малакавий амалиёт эса унинг салоҳиятини очиб бериши лозим<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Алексеев Н.Г., Юдин Э.Г. О психологических методах изучения творчества. - М., Наука, 1971,- с. 22

<sup>2</sup> Богоявленский Д.Н., Менчинская Н.А. Психология усвоения знаний в школе. М.: 1959.-347 с.

<sup>3</sup> Батурина Г.И. Введение в педагогическую профессию: Учебное пособие/ Г.Ф.Кузина.-2-е изд.,стер. - М.; Академия, 1999 - с. 176

<sup>4</sup> Сластенин В.А. Формирование личности учителя советской школы в процессе его профессиональной подготовки. -М.: Просвещение, 1976.-е. 160, 36-54

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий таълими фақат назарий билимларни ва таҳсил олувчилар билан ишлашнинг амалий малакалари ва кўникмаларини ўзлаштириш билан чекланиб қолмайди. У талабаларда ўқитувчи шахсининг касбий аҳамиятли сифатларини: ўз ишига эътиқод, мактабда ишлашга педагогик мақсадга йўналтирилганлик, қизиқишлар ва ижодий педагогик фаолият учун қобилиятларни шакллантиришни ҳам тақозо этади.

Бу ерда талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун ОТМ ўқитувчиларининг ўзлари ўз дунёқарашларини доимо кенгайтириш ва билимларини ошириш зарур. Ўқитувчининг ўзи, аввало, ижодкор бўлиши, ижодий фикрлай олиши, аудиторияда ижодий муҳит ярата олиши ва ОТМда ўқув жараёнини ижодий ташкил қила олиши керак.

Шу муносабат билан бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш имконини берадиган малакавий амалиётни ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари тизимини илмий асослаш тадқиқотимиз муаммоси ҳисобланади. Ушбу муаммо қуйидаги тадқиқот вазифаларини қўйиш ва бажаришни шарт қилиб қўйди:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий, ижодий тайёрлиги моҳиятини ўрганиш;

2. Талабаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи ташкилий-педагогик шарт-шароитлар тизимини ишлаб чиқиш.

Биз бундай шарт-шароитларда қуйидагилар амалга оширилиши мумкин деб ҳиоблаймиз:

касбий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишлари миқдори ошириш;

касбий фаолиятни амалга ошириш учун мотивацион ва қадриятли установкаларни (олдиндан белгиланган ҳаракатлар) шакллантириш;

таҳсилнинг барча ўқув йиллари давомида тобора мураккаблашиб борадиган ўқув-касбий вазифалар тизимини ечиш.

Малакавий амалиётнинг мазмуни бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун турли шарт-шароитлар яратади. Бунда бошланғич синфларда малакавий амалиётни ўтиш жараёнида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун алоҳида вазифа қўйилмайди.

Биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини малакавий амалиётни ташкил этиш жараёнида ривожлантиришнинг қуйидаги тамойилларини аниқлашга ва асослашга ҳаракат қилдик:

- мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларининг диққат-эътиборини малакавий амалиёт жараёнига жалб қилиш, тенглик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, масъулият муносабатларини эълон қилиш, амалиёт мазмунининг вариативлиги (ўзгарувчанлигини) таъминлаш, чунки бошланғич синф ўқитувчилари амалиётда иштирок этаётган талабаларнинг дарсларини таҳлил қилишлари ва уларга дарс ўтказиш учун маслаҳат ва тавсиялар беришлари камдан-кам кузатилди;

- амалиётда иштирок этаётган талабаларнинг ижодий қобилиятларини очиб беришга шароит яратиш, ўқитиш методларини эркин тарзда танлаш, янги ғояларни илгари таклиф этишга интилиш, бу ғояларни амалда тадбиқ этиш (воқеликда рўёбга чиқариш);

- назарий фанларни ўрганиш билан амалиёт орасида реал алоқани ўрнатиш, педагогик-психологик билимларни амалда қўллаш;

- малакавий амалиёт даврида назарий билимларни долзарблаштириш, ўзининг зарурий таълим (таълим олганлик,

саводлилик) даражасини узлуксиз такомиллаштириш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш;

- амалиётга йўналтирилганлик: касбий амалий малакалар ва кўникмаларни ўзлаштиришга диққат-эътиборни ошириш ҳамда амалий психологик-педагогик малака ва кўникмалар ҳажмини кенгайтириш;

- талабаларнинг янги методик ишланмаларни тез ўзлаштира олиш қобилияти, бошланғич синфларда инновацион фаолиятга йўналтириш.

Замонавий ОТМда ишлайдиган ўқитувчилар ишининг таҳлили ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар даражаси етарли даражада юқори эмаслигини кўрсатди. Ўқитувчилар билан олиб борилган кузатиш ва суҳбатлар талабаларнинг ижодий фаолиятга бўлган қизиқишларини ривожлантириш бўйича пухта ўйланган ишлашга қараганда, талабаларнинг дастур материални ўзлаштириш даражаси, унга бўлган эҳтиёжлар кўпроқ қизиқтиришини кўрсатди ва бу эса ижодий қобилиятларнинг ривожланишини олдиндан белгилаб беради.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Алексеев Н.Г., Юдин Э.Г. О психологических методах изучения творчества.- М., Наука, 1971
2. Богоявленский Д.Н., Менчинская Н.А. Психология усвоения знаний в школе. М.: 1959.
3. Батурина Г.И. Введение в педагогическую профессию: Учебное пособие/ Г.Ф.Кузина.-2-е изд.,стер. -М.; Академия, 1999.
4. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. М.: Педагогика, 1987.
5. Кан - Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. - М.: Педагогика, 1990.
6. Лук А.Н. Учить мыслить. -М.:Знание, 1975.
7. Энгельмейер П.К., Теория творчества. //Интернет ресурсы. Спб, 2010.